

Орадан бир неча кун ўтиб, Акмал мижозига оддий сариқ металлдан чиройли қилиб ясаган тақинчоқни тутқазди. Малоҳат бунга сезмади. Акмал эса тилла тақинчоқларни яхшигина пулга сотиб юборди. Бир неча ойдан кейин Малоҳат унинг олдига яна келди ва эски тилла узукни унга тутқазиб, замонавий тақинчоққа айлантириб беришни илтимос қилди.

8 бет

Когон шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасига келиб, М.Раҳимовнинг йўлини пойлаб турганда ҳам нега бегуноҳ одамнинг ҳаётига зомин бўлишим керак, деган саволни ўзига бериб кўрмади. Аксинча, қўлга ясалган пичоқ билан зина ёнида пайт пойлаб турди. Бу вақтда қабулда бўлган беморларга ташхис қўйиб, ўз вазифасини бажарётган Миробид Раҳимов зарурат юзасидан пастга тушди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 27-oktabr, №43 (1032)

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самардорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин.

Давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида кўйилган белгилансин:

суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқар-

рарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан сансалорлик билан зарур чоралар кўриш; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик билан бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликка бўлган жавобгарликнинг муқарраллигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

фаолиятнинг очкилиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни аввало ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳуж-

жатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш; ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш;

юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали баҳарлишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоқ танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самардорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишининг замонавий шакл ва усуллари-ни жорий этиш.

/Давоми 2-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сайловлардаги иштирокига бағишланган республика семинари ўтказилди.

Хотин-қизларнинг сайловларда иштироки

Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Олима аёл" уюшмаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Маҳалла" ҳаёлий жамоат фонди масъул ходимлари, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари раислари фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан 2016 йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, жумладан, аҳолининг истиклол йилларида яратилган миллий ҳуқуқ тизимини тўғрисидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Дастур доирасида хотин-қизларнинг ҳуқуқини ва сайлов маданиятини юксалтиришга қаратилган ташвиқот ишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. Миллий қонунчилигимизда белгиланган хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари, уларнинг сайловдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган телекўрсатув, радиоэшитириш ва мақолалар тайёрланмоқда.

Семинарда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларда хотин-қизлар қўмиталари, уларнинг бошланғич ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти, округ ва участка сайлов комиссияларининг асосий вазифалари, улар ишида хотин-қизларнинг иштироки, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Назозат Усмонова, ЎЗА

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали тизими

Тошкентда "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашнинг миллий тизими: мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари бошқармаси, Ислон ҳамкор-

лик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий мустақил комиссияси, ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Европа Кенгаши Венеция комиссияси вакиллари, Россия, Индонезия, Латвия, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон омбудсманлари, Буюк Британия, Германия сиёсатчи ва ҳуқуқшунослари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Конференцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, соҳага оид қонун ижодкорлигини янада яхшилаш, парламент назоратини кучайтириш, бу борада Омбудсманнинг роли ва ўрни, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни амалга оширишнинг

механизми, халқаро стандартларни амалга оширишга оид миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликини кучайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисоблангани белгиланган. Буларни таъминлаш йўллари ва кафолатлари қонунларимизда мустаҳкамланган. Мустақиллик йилларида 16 кодекс, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини регламент қилувчи 700 дан зиёд қонун қабул қилинди. Ўзбекис-

тон инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортқ халқаро ҳужжатга қўшилган, БМТнинг ўнта асосий ҳужжати-ни ратификация қилган. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликка риоя этиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларини тўла бажариб келмоқда.

Тадбирда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этилгани инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар туфайли бу соҳа инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этадиган мустақил давлат институтига айланди.

/Давоми 6-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малага комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигининг судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи таклифи маъқуллансин.

3. Белгилансинки, 2017 йилнинг 1 апрелидан: озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш-ни кенгайтириш орқали қамқ тарихасидаги жиноий жазо тугатилади;

жиноятни содир этишда гуноҳ қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартилади;

қамқоққа олиш ва уй қамогини тарздаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилади;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади;

судларга қамқоққа олиш ёки уй қамогини тарздаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди;

терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини

жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинади;

фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибиде қайта кўриб чиқиш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартирилади;

вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларини назорат тартибиде кўриб чиқиш бўйича бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинади;

адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилади;

ҳўжалик судлари тизимида минтакавий апелляция судлари ташкил этилади.

4. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзаси-

дан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга ошириш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия (И.Б.Абдуллаев): вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари мутахассислари, фуқаролик жамияти институти вакилларини жалб этган ҳолда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур танқидий таҳлил қилиш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг таъминласин;

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик ўртасида, шу жумладан, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали кенг муҳокама қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли тайёрланиши ва ўз вақтида белгиланган тартибда киритилиши, шунингдек бошқа тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлиги илгор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида 2017 йил 1 июлга қадар:

суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

воёга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш мувофиқатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтириш;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим жиноят тартибларини жиноят тоифасидан чиқариш;

жиноят ишини кўзга тиш фақат жабрланувчининг аризасига кўра амалга ошириладиган жиноят тартиблари рўйхатини кенгайтириш;

фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш;

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини
бажарувчи**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 21 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариб, кўйидаги учта асосий устувор йўналишларни белгилаб берди:

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш;

одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари этиб:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлигининг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга таъвоуз қилиш ҳолатлари юзасидан барча зарур чораларни кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартибини бузиш ва сансалорликка йўл қўймастик;

тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институти ва оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самардорлигини ошириш;

ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбу-

зилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илгор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суниетъёмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларни ишга қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Киритилаётган бу ўзгаришлар халқаро стандартлар ва ривожланган демок-

ратик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади.

Шу билан бирга, Фармон билан 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инobatга олган ҳолда одил судлов самардорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Жумладан, қамқ тарздаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилмоқда.

Яъни жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илгор шакли ва усулларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида:

жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати **72 соатдан 48 соатга**;

қамоққа олиш ва уй қамоғи тарздаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари **1 йилдан 7 ойга** қисқартирилмоқда.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асосиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилинишини, иккинчи томондан, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди.

"**Хабеас корпус**" институти қўллашнинг янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экс-гумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда.

Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган тақдирда муқобил эҳтиёт чорасини қўллаш имконияти берилмоқда.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича яқиний қарорлар қабул қилиш муддатларини асосиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида **суд томонидан жиноят ишлари бўйича терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлигини** алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш имкониятини берувчи муддатнинг 3 йилдан 1 йилга қисқартирилиши эса, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, шунингдек суд процесси муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортиқча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида **Фармонда вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибидан қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялари тугатилиб**, ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибидан протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларини назорат тартибидан қўришга оид бир-бирини такрорловчи ваколатлари бекор қилинмоқда.

Ортиқча ва бир-бирини такрорловчи инстанцияларнинг бекор қилиниши айнан бир назорат инстанцияси томонидан ишларнинг бир неча бор кўриб чиқилишининг олдини олади, суд қарорларининг узил-кесиллиги ва барқарорлигини таъминлаб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада оширади.

Шунингдек Фармонда вилоят ҳўжалик судларининг қарорларини ўзлари томонидан қайта кўриш ваколатини чеклаш мақсадида ушбу судлар тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилди.

Фармоннинг суд ҳокимияти мустақиллиги асосларини мустаҳкамловчи алоҳида аҳамиятли томони **адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-тех-**

ника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазири ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилаётганидир.

Ушбу чора судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратди.

Шу билан бирга, Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга 2017 йил 1 июлга қадар илгор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда кўйидаги масалалар бўйича асосланган ҳолда тақриблар тайёрлаш топширилди:

суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиний жазоларни либераллаштириш, шунингдек судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш;

ўзбек халқининг эзгулик ва раҳмдиллик каби кўп асрлик аъналарига мос бўлган ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш. Бу норма қонунни четлаб ўтган, содир этган қилмишдан пушаймон бўлган ва етказилган зийнати қоплаган фуқароларни жавобгарликдан озод қилиш имконини беради;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш; жабранувчининг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш;

электрон тартибда суд ва ижро иши юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, одил судловга эришишнинг илгор механизмларини жорий этиш оралиги одил судлов сифатини ошириш. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек "Электрон ҳуқуқат тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш доирасида республикани ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очиллиги, шафқатлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қонунийликни таъминлашда ҳамда мамлакатимизда изоҳотларни самарали рўёбга чиқаришда юридик хизматлар ролини ошириш мақсадида давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Қайд этилган асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи **Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.**

Фармонни ижро этиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан "Жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Медиация тўғрисида"ги, "Маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.



Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг делегацияси Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган "Трансмиллий уюшган жиноятчилик ва коррупция билан боғлиқ ноқонуний молиявий оқимларни бартараф этиш" мавзусидаги семинарда иштирок этди. Мазкур тадбир Бирлашган миллатлар ташкилотининг Гиёҳанда ва жиноятчилик бошқармаси томонидан ташкил этилди.

Минтақаларо семинар

Шунингдек, семинарда БМТнинг Гиёҳанда ва жиноятчилик бошқармаси ва Жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг халқаро экспертлари, Афғонистон, Эрон, Покистон, Россия, Қирғизистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ва молиявий разведка бўлинмаларининг ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва молиявий разведка бўлинмаларининг ноқонуний молиявий оқимларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси делегацияси томонидан белгиланган мавзу бўйича маъруза қилиниб, унда давлатиш томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг миллий тизими яратилган бўлиб, халқаро стандартлар

Шухрат АБДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳўзуридаги СВОЖДЛҚК
департаменти бўлим катта инспектори

талабларига жавоб берадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Яъни Ўзбекистон Республикасининг "Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги ва "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича қайтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир.

Тадбир якуни бўйича иштирокчилар томонидан трансмиллий уюшган жиноятчилик ва коррупция ҳамда гиёҳанда моддалар айланмаси билан боғлиқ ноқонуний оқимларни молиялаштиришга қарши курашиш йўналишини такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақриблар билдирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.


Тадбиркорлик фаолияти давлат ҳимоясида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Тадбиркорлик равнақиға оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботининг ўзига хос жиҳатлари" мавзусида ўқув семинар ташкил этилди.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

лантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони айни вақтда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Семинарда сўзга чиққанлар мазкур Фармон энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга йўналтирилганини таъкидлашди.



Эндиликда, Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривож-

Тинчлик — олий неъмат

Муродилла ТУРСУНМЕТОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

Ўтган йилнинг 26 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинган эди. Маълумки, ушбу буйруқ юртимизда осейишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда фаол иштирок этаётган, юрт учун сиқидиланган хайри ишлари амалга ошираётган фуқаролар, кенг жамоатчилик вакиллари алоҳида эътироф этишни, рағбатлантиришни назарда тутган.

Фидойи инсонлар рағбатландирилди

Раҳим ҲАКИМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мустақил Ўзбекистонда прокуратура том маънода халқни ҳимоя қилувчи орган сифатида шаклланди. Бу омил эндиликда прокуратура фуқаролар, давлат ва жамият манфаатлари, тадбиркорлик ривожини, фаровон ҳаёт жонқуяри сифатида юрт учун хизмат қилган фуқароларни рағбатлантириш билан янада намоян бўлмоқда.

Ўтган йили вилоят прокуратурасида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, конституциявий бурчини виждон бажариб келган бир неча маҳалла раислари ҳамда тадбиркорлар тантанали равишда рағбатлантирилган эди.

Ўқинда вилоят прокуратурасида шу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни бошқарган вилоят прокурори Б.Деҳқонов Бош прокурорнинг юқоридаги буйруғи мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар ҳақида батафсил тushунча берди.

Сўзга чиққанлар юрт фидойиларини руҳлантириш, ватанпарварликни тарғиб этишни қанчалик муҳимлигини мисоллар билан таъкидлашди. Ватанимиз фидойилар юрти. Бу юртда ўз халқи раванқини учун қалб кўри билан хизмат қилувчи заҳматқашлар кўп. Уларни рағбатлантириш, эл-юрт олдида эътироф этиш эса жамиятда фаол ва ҳушёр фуқаролар сифати кенгайишига хизмат қилади.

Вилоят прокуратураси органларининг кузаитишлари, таҳлиллари натижасида Оқдарё туман "Янгиравот-2" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бонат Лапасов, Тайлоқ туман "Равот" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзимурод Саидмуродов, Ургут тумани "Ўқрач" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Садриддин Отамуродов ва Иштихон тумани "Домла Аброрий" фермер ҳўжалиги раиси Аббор Раббимовлар рағбатлантиришга лойиқ топилди.

Боиси, улар раислик қилган маҳаллаларда охириги уч йилда бирор марта жиноят, кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлмаган. Аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкам.

Хашарлар уюштирилиб, йўллар, кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирланаётган, маҳалла ободонлаштирилмоқда, минглар кўчатлар экилмоқда. Тозалик алоҳида эътибор қаратиляпти. Жисмоний тарбия ва спорт ривожланиши учун барча шароитлар яратилган.

Миллий кадриятлар, инсоний фазилатларни ёшлар онгига сингдириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларни ватандаш садокат ва миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонуларни ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида турли тарғиб-тадбирлари, давра суҳбатлари мунтазам йўлга қўйилган. Натижада, бу маҳаллалар "Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини", "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "Энг намунали маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллаган.

Фермер ҳўжалиги раиси А.Раббимов эса, юқори ҳосилдорликка эришиб, ғалла ва пахта шартномаларини йилма-йил бажариб, бошқаларга ибрат бўлмоқда. Тумандаги турли хайрия тадбирларида фаол қатнашиб келади. Хусусан, "Халқобод" кишлоғидаги 5-сонли умумтаълим мактабининг спорт залини тадбиркорликдан олинган даромади ҳисобидан таъмирлаб берган. Кишлоғидаги бир неча кўчаларни, иккита кўприкни таъмирлаган. Кам таъминланган оила фарзандини хатна тўйини ўтказиб берган. А.Раббимов янги йил байрами арафасида 5-сонли умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиларини рағбатлантириб келмоқда. Шу билан бирга, мактабдаги кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида ҳамўрлик кўрсатмоқда.

Йиғилишда ана шундай фидойи инсонлар вилоят прокурори томонидан ташахкурнома билан тақдирландилар. Уларнинг ютуқлари батафсил эътироф этилиб, раҳматлар айтилди. Шунингдек, бу тадбир анъана тарзида давом этирилиши, бундан кейин ҳам юрт фидойиларининг хизматлари эътиборсиз қолмаслиги таъкидланди.

Шундай неъматлар бўладики, уларни асраб-ардоқламамаслик мумкин эмас! Чунки уларда келгуси насларнинг насибаси, эртанги куннинг ҳаққи бор. Бу неъмат тинчликкилик. У халқимизнинг жону танига айланб бўлган. Тилағида, дуосида, салом-алиғида ҳам бу сўз юртошааримизнинг тилидан тушмайди. Бу сўзнинг қадр-қиммати ва тараққиёт учун нечоғам юксак аҳамият касб этиши халқимизнинг онгу шуурига сингиб кетган.

Дунёда содир бўлаётган нотинчликларнинг аянчли оқибатларидан воқиф бўлган ҳар қандай тинч-тотув юртда яшаётганига ҳамд айтади. Бирок 1965 йилда Наманган шаҳрида тузилган Мусо Юлдашев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва 1968 йилда тузилган Неъматилла Усмоновлар юртимизда ҳўкм сураётган тинчлик-хотиржамликка шўқрона келтириш ўрнига кўрнамаклик қилишди.

Аслида М.Юлдашев икки марта жиноят содир этиб судланган, ҳатто иккинчи марта сазкиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Бирок бундан ўзинга ҳўлоса чиқара олмади. Аксинча, ҳамтовоғи Н.Усмонов билан бирга юртимизда олиб бориладиган оқилона сиёсат, кенг қўламли бунёдкорлик ишларидан кувониб, амалий ишлари билан бу эзгуликларга ўз ҳиссасини кўйиш ўрнига, зимдан юртимиздаги мавжуд тузумга қарши тайёргарлик кўраётган гурўх нағмасига ўйнаб бошладди.

М.Юлдашев 2011 йилнинг ёз ойларида савдо ишлари билан шуғулланиб юрган кезлари М.Ақбаров билан танишиб қола-

ди. Бу шахс 1989-1990 йилларда фаолияти тўхтатилган "Отавалихон тўра" масжидига қатнаган ва "Салафийлик" диний экстремистик оқимининг фаол иштирокчиси бўлган. У атрофига динни ниқоб қилиб олиб, ўз манфаати йўлида жамки энг жиркан ишлардан-да қайтмайдиган кимсаларни йиғиб, турли экстремистик гоёлар акс этган китоблик ўқитар, жиҳод, жиҳрат, шаҳидликка даъватлар қилар, "яширин жамоат" йиғилишларини уюштирарди. Мана шундай давраларда М.Юлдашев у билан "дўстлашган" эди. Н.Усмонов ҳам улар билан доимо "елкадош" эди.

М.Юлдашев ва Н.Усмонов ҳўфтаннинг пайшанба ва яқшанба кўнлари яширин тарзда йиғилишлар, ўқишхонликлар ташкиллатишлар, мустақил фикри йўқ, ақли ноқис кимсаларни ўз сафларига тортиш орқали гурўхни кенгайтиришга интилишарди. Афтидан, ватанфурўш бу кимсалар килмишлари яширин тарзда давом этаверишидан умидвор эдилар. Бирок бундай бўлмади. Ҳеч бир эгрилик фош бўлмади колмагонидек, уларнинг яширин фа-

олияти ҳам ошкор бўлди ҳамда мазкур гурўх аъзоларига нисбатан жиноят иши кўзгатилды.

Тергов жараёнида мазкур гурўх аъзоларининг ақсарияти қилган ишларининг моҳиятини англамаганликларини айтиб, идадолар қилишди. Норасмий диний ташкилотлар, диний гурўхлар томонидан олиб борилаётган кўпуровчилик, террористик актлар, уларнинг аянчли оқибатлари ҳақида бугун етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир фуқаро жуда яқин билади. Шунингдек, бугун Ўзбекистон халқи тинчликнинг, мустақилликнинг, озодлик ва ҳурликнинг нечоғли тотли неъмат эканини теран ҳис этиб, уларни асраб-авайлаш йўлида фидойилик билан мардонавор турбиди.

Мусо Юлдашев, Неъматилла Усмонов каби мазкур гурўх бошчилари жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳўкми билан жавобгарликка тортилдилар. Улар ўз қилмишларига яраша жазоландилар.

Сўзимиз бошидаёқ айтдик — бугун халқимиз оқ билан қоранин, яқши билан ёмоннинг, дўст билан душманнинг фарқини ажратиб бўлди. Уларни яқдиллик, бирдамлик, тинчлик ва ҳурлик йўлидан ҳеч қим, ҳеч қачон қай-тара олмайди!

Мурожаатлар ечимини топди

Руслонбек КАДИРОВ,
Элликқалъа туман прокуратураси
терговчиси лавозимига иш ўрганивчи

Элликқалъа туман прокуратураси томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида тилга олинган муаммоларнинг ечими бу борада муҳим ўрин тутади. Масалан, тумандаги Навойи овул фуқаролар йиғини худудида яшовчи фуқаро О.Ражапов туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, фермер ҳўжаликлари фаолиятини муқобиллаштириш даврида туман ҳўқимлиги томонидан фермер ҳўжалигининг ер майдонини асоссиз равишда олиб қўйилгани ҳамда бошқа шахсга бериб юборилганини баён қилган.

Мазкур ариза ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатдан ҳам туман ҳўқимининг қарорига асосан фуқаро О.Ражапов фаолият юритиб келган фермер ҳўжалигининг 6,9 гектар ер майдони асоссиз равишда олиб қўйилгани аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан туман ҳўқимининг қарорига протест киритилди. Фермер ҳўжалигининг ер майдони О.Ражаповга олиб берилиши таъминланди.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга янада кенгроқ қўламлиқ яратиш мақсадида ташкил қилинган ишонч телефонлари ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутамоқда. Жумладан, фуқаро Ж.Сапаев "Ишонч телефони"га кўнгирак қилиб, тумандаги И.Аллаберганов кўчасида жойлашган трансформаторда қиска туташув бўлгани туфайли уйда-

ги 4 млн. сўмлик телевизор ҳамда совутич куйган, шу сабабли уларни айбдор - туман электр тармоқлари қорхонаси ҳисобидан таъмирлатиб бериш учун амалий ёрдам сўраган. Унинг мурожаати туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Натижасига кўра, муаллиф мурожаатида тилга олинган ҳолатлар ўз тасдиғини топгани сабабли ариза талаблари қаноатлантирилишига эришилди.

Маълумки, ҳар бир мурожаат ортида кимнингдир тақдирини, орғикли масаласи туради. Лекин бу масала ечимига бевосита масъул бўлган айрим мансабдор шахсларнинг бефарқлиги ёки совуққонлиги ортиқча оворгарчиликка сабаб бўлаётгани гоҳида бўлса-да учраб турибди. Масалан, тумандаги "Эркин Тўхтабоев" деҳқон ҳўжалиги раҳбари Б.Қурбонов туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи номига 2016 йил 22 февраль кунини ариза билан мурожаат қилиб, ҳўжалиги ерларини белгилаб беришни сўраган. Лекин ушбу ариза шу йил апрель ойи охирилгача ҳал қилинмаганда, сансалорликка йўл қўйилган. Туман прокуратураси томонидан мазкур масала ўрганиб чиқилганда Б.Қурбоновнинг аризаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мурожаатларини рўйхатга олиш китобиغا киритилмагани, ер майдонини шу кўнга қадар белгилаб бериш чоралари кўрилмагани аниқланди.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан "Эркин Тўхтабоев" деҳқон ҳўжалиги фаолияти қайта йўлга қўйилиб, иш юритиш учун ер майдони белгилаб берилди. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Н.Абдуллаев ушбу ҳолат бўйича маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириладигани, иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Афсуски, ўз нафсига эрк бериб, тўри йўлдан эмас, эгри йўлдан юришни эл кўрайдиганлар ноқонуний валюта олди-сотдисини ўзлари учун касб қилмоқдалар. Жумладан, СВОЖДЛҚК департаментининг Бухоро вилоят бошқарма-

си ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Рамзи Баҳрамов ва Самар Зокировлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ва ноқонуний бойлик орттириш мақсадида Бухоро шаҳри атрофида 22 минг АҚШ долларини сотаётган вақтида ушландилар. Тезкор тадбир давомида қонунбузар Р.Баҳрамовнинг ёнида со-

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛҚК
департаментининг Бухоро туман бўлими суриштирувчиси

тиш мақсадида сақлаб келаётган яна 13 минг 700 АҚШ доллари борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинди. Қонунбузарларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан қонуний жазо тайинланди.

Маълумки, 2016 йил 15 сентябрда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг 1-банди ижроси юзасидан ишлаб чиқибли, қабул қилинди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 650 дан ортиқ қонунлар бўлган ҳолда фақатгина ёшларга оид қонунгагина "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги деб ном берилган. Бошқа бирон бир қонун номида бундай "давлат сиёсати" деган сўзларни учратмаймиз. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида давлат дастурлари, давлат мукофотлари, рағбатлантириш воситалари бевосита ёшлар билан боғлиқ ҳолда қабул қилинди. Бунга "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Соғлом бола йили", "Соғлом она ва бола йили" давлат дастурлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишонини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек, Имом ал-Бухорий номидаги қатор давлат стипендиялари, талаба ва ўқувчи ёшлар ўртасида 3 боқсичли спорт мусобақалари яққол мисол бўла олади. Шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда ёшларга ажратилаётган эътибордан яққол даражидир.

Қонунда белгиланган нормалар шу вақтгача қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ёшларга оид нормалари билан ўзаро боғланган ва улар ўртасидаги уйғунлик таъминланган.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутидиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини ўзида мутасаддиқ этган.

Мазкур қонун аввалги қонундан биринчидан, ўзининг мазмуни-моҳияти, ҳақми, номланганидан тортиб, деярли барча моддаларнинг номи билан ҳам аввалгисидан фарқ қилади. Ҳажмининг ўзиёқ аввалги қонундан 12 та модда қўпчилиги кўрсатмоқда. Аввалги қонун "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида" деб номланган бўлса, мазкур янги қонун эса "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" деб номланди.

Иккинчидан, янги қабул қилинган қонунда ёшлар билан боғлиқ энг асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш муассасаси", "ёшлар тадбиркорлиги" тушунчаларининг мазмуни очиб берилган. Мазкур тушунчаларнинг қонун билан белгилаб қўйилгани ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, қонуннинг энг катта ютуқларидан бири бу аввалги қонундаги "30 ёшгача бўлган" деган ёш чегараси 3-моддада "ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тулган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар" деб белгилаб қўйилганлигидир. Чунки ёшларга оид турли имтиёзлар ва енгилликлардан фойдаланишда аввалги қонундаги "30 ёшгача

бўлган" деган чегара амалиётда турлича, айрим ҳолларда "бунга 30 ёш ҳам кирадими ёки 30 ёшга кирганига қадар вақт тушуниладими" деган турлича мулоҳазаларга олиб келаётган эди. Эндликда эса, бундай тақдирларнинг олди олинади ҳамда бунинг орқасида эса минглаб ёшлар давлатимиз томонидан яратиб берилаётган ҳуқуқ ва эркинликлар, имтиёз ва рағбатлантиришлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Яна бир янгилиги "ёш оила" деган тушунчага биринчи марта қонун орқали таъриф берилганлигидир. Тўғри, аввал ҳам турли қонун ости ҳужжатларда мазкур

сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўйбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш белгиланган.

Мазкур органларнинг ваколатлари ва иштироки қонуннинг 5-моддасидаги ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган. Масалан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш йўналишида ақлия органлари ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксал-

тиришга доир фаолиятни амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш белгиланган ҳолда, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, прокуратура, ички ишлар органларининг бу фаолиятда иштирок этишлари, оммавий ахборот воситалари эса бундай тадбирларни ёритиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Барча ваколатлар муҳим бўлгани ҳолда бу борда масъул органлар ва муассасалар ваколатлардан айримларини келтириб ўтиш жоиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсатини рўйбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради. Бу жудам муҳим бўлиб, юзга келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш ҳамда давлат сиёсатини ривожлантириш имкониятини беради. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ёшларга оид давлат сиёсатини рўйбга чиқаришнинг самаралорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторингини олиб борилишини ва баҳолалишини таъминлайди; ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга joyлаштириш сиёсати рўйбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш муассасаларини ишга joyлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари эса манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-хўна ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таҳлилини амалга оширади. Бунинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни тақомиллаштириш бўйича тақдирларни ишлаб чиқади; таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмуний ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғрисидаги ва ижодий тўғрақлар, клублар ташкил этади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари эса ёшлар ўртасида тизимий тиббий текширувларни ташкил этади; ичкилик-бозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади. Меҳнат органлари ёшларнинг бандлигини таъминлашда иштирок этади; ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимни ташкил этади. Прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароит-

ларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этади. Ички ишлар органлари эса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади. Ақлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш юзасидан тақдирлар киритади. Мудлофаа ишлари бўйича органлар ёшларнинг чакирувга қадар бошлангич тайёрларини ташкил этишда иштирок этади; ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади.

Қонуннинг энг муҳим нормаларидан яна бири бу ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрнини аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Айниқса, мазкур тузилмалар ҳуқуқларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларининг рўйбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгиланганлиги мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини амалга оширишда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунга асосан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади; ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаолигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари эса соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаолигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказишга; ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда

маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўйбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади; фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин.

Тўғричидан, қонунда ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида урғу берилиб, қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари ёш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкин эмаслиги

Ёшлар келажакининг ҳуқуқий асослари

Мирвал Миратулов,

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Амалиёт

қонун ҳужжатлари мониторинги

институтини бўлим бошлиғи, юридик

фанлар номзоди, доцент

қайд этилди.

Қонунда аввалги қонунда бўлмаган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш; етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар joyлар билан таъминлаш; ўрта махсус, касб-хўна ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўриш каби кафолатлари белгиланди.

Шунингдек, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга joyлаштиришга ёрдамлаштириш, қўшимча иш ўринлари ва иختисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга joyлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш joyларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланиши қайд этилди.

Бундан ташқари, қонунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, иқтидорли ва истеъодли ёшларни, ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижтимоий хизматида оид нормалар ўз аксини топган.

Бешинчидан, қонун чикарувчи мазкур қонунда энг асосий кафолатлар, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш ҳамда қонун ҳужжатларида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишининг бошқа кафолатлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа қўшимча чора-тадбирлари ҳам берилиши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўймоқда.

Ҳулоса қилиб айтганда, қонуннинг қабул қилиниши ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун янада кенг шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиб, тегишли ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини белгилаб бери.

Ижро — юксалиш ва тараққиёт омили

Юрт фаровонлиги ва равнақи йўлидаги эзгу ишлар кўлами тобора авж олаётган айни кунларда озод диёр ривож учун тер тўкаётган ҳар бир инсон кўнглида ўзгача гурур ва ифтихор, шу юрт фарзандиман, деган фахр туйғулари жўш уриши табиий. Чорак асрлик қисқа фурсат ичида мамлакатимизнинг барча жабҳаларида, жумладан, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, фан, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлари шу қаар салмоқлики, буни бугун бутун жаҳон тан олиб, эътироф этмоқда. Албатта, қурраи заминда кечган тарихий тараққиёт жараёнларидан англаш мумкинки, ҳеч бир давлат бу каби муваффақиятларни ўз-ўзидан қўлга киритган эмас.

Шундай экан, мамлакатимизнинг юксалиш ва тараққиёт йўлидаги одимларида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган одилона сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги кенг қамровли янгиланишлар мутассаддиқ.

Қонунчилик ижроси, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни изчиллик билан ҳаётга татиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси борасидаги фаолиятнинг туманда қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда, ободлик ва фаровонликда тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс. Зотан, қонунийлик юксалиш ва тараққиёт омилидир.

Туман прокуратураси томонидан доимий иш жараёнида ана шу ҳаётий мезонга қатъий амал қилиб келинмоқда. Фуқароларнинг қонунларда қаролатилган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, эркин меҳнат фаолияти билан шугулланиш учун барча имкониятларни яратиб бериш, ёшлар камолига қаратилаётган эътибор, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, тадбиркорлик равнақини қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчилик ижроси шулар жумласидандир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва давлат бошқаруви, ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан тўла назорат тартибиде ўтказилган текширишлар натижасига кўра 260 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бунинг самарасида аниқланган айрим бурчиға совуққонлик билан қараган мансабдор шахсларнинг 75 та қонунга зид ва асосга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлари протест келтириш йўли билан қонунга мувофиқлаштирилди. Бу борада аниқланган қонун бузилишлар киритилган 29 та тақдирнома орқали бартараф этилди.

Текшириш натижаларига кўра, 89 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган бўлса, 37 нафари маъмурий, 10 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. 2 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Етказилган 93,2 миллион сўмдан зиёд зарарни ундириш юзасидан судларга 24 та

даво ариза киритилди.

Барчага маълумки, бугун юртимиз шаҳарлари тобора кўрк очиб бормоқда. Уларда жаҳоннинг замонавий шаҳар-созлиқ намуналари билан бемалол беллаша оладиган қуркам бинолар, кенг ва раvon йўллар, кўприқлар фойдаланишга топширилмоқда. Шу билан бир қаторда, қишлоқлар тараққиётига ҳам бирдек эътибор берилмоқдаки, биргина республикамиз Биринчи Президентининг намунавий турар жойларнинг қурилиши ҳақидаги қарори бунга мисол бўла олади. Бугун юртимизнинг

чекка қишлоқларига йўлингиз тушгудек бўлса, бир қатор қилиб замонавий архитектура меъёрларига асосланган ҳолда дид билан қурилган намуналий уйларга кўзингиз ташаркан, дилингиз яйрайди. Тўрақўргонда ҳам бу борада кенг миқёсдаги қурилиш ишлари амалга оширилиб, янги, шинам хонадонлар қалинлиги ўз вақтида соҳибларига топширилмоқда.

Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий жабҳалар, қишлоқ ҳўжалиги, саноят, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, умуман, барча соҳаларда учраётган муаммолар, дуч келинаётган қонунбузилиш ҳолатларига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо берилиб, эл-юрт олдидаги бурчиға, ўз хизмат вазифасига ва қонун меъёрларига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан ёндашаётган айрим мансабдорларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилмоқда.

Мустантақиллик бу, аввало, ҳуқуқ демокдир. Мамлакатимиз равнақда, халқимиз турмуши ободлиги ва фаровонлигида ҳар бир соҳа мўҳим ўринга эға.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА



Абдулатиф САЛИЕВ,
Тўрақўргон туман прокурори

Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали тизими

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими яратилди, — дейди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Соҳага оид миллий қонунлар, миллий институтлар тизими мустаҳкамланди ва бу йўналишда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Бу мамлакатингизнинг тараққиёт этиб бораётганида, фуқароларнинг фаровон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Омбудсман институти мавжудлиги, унинг доирасини кенгайтиришига, яъни Олий Махлис ҳузурида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш Омбудсманни ташкил этишига бўлган эътибор бу борадаги жуда мўҳим қадамдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти ташкил этилди.

Аҳолининг қонуний ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши учун жамятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасининг йирик намояндаси эди, — дейди ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Мак Грегор. — Аввало, инсон ҳуқуқлари миллий таълим тизими яратилгани барча фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, шу орқали уларнинг ҳуқуқлари таъминлашига хизмат қилмоқда. Дунёда тан олинган тараққиётнинг “Ўзбек мо-

дели”да ҳам қонун устуворлиги ўрин олган. Бу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга кўтариш барчамаъининг эзгу мақсадимиздир.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги қонуний асосда таъминланаётгани улар фаолияти самарадорлигини ошириб, фуқароларнинг улар билан мунтазам алоқада бўлишига кенг йўл очётганига эътибор қаратилди. Бунда 2014 йил 5. майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни мўҳим аҳамият касб этмоқда. Шу асосда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга ошириш имконияти яратилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулияти ошди. Қонунда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгиланган. Аҳоли давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бормоқда.

Анжуманда инсон манфаатлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг мезони сифатида белгилангани қайд этилди. Фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қўллаб қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ратификация қилинган халқаро конвенцияларга риоя қилиш мониторингини олиб бориш, бу борадаги ишлар устидан парламент назоратини кўчатиришга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун мўҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро экспертлар парламентнинг ҳуқуқий макомини оширишга қаратилган босқичма-босқич ислохотлар унинг жамятдаги ролининг кўчайишига, қонунлар сифатининг ошишига, ижро ҳокимияти органлари устидан парламент назоратини кўчати-

ришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Анжуманда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат қурилиши ва жамятнинг ривожлантиришининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишнинг қатор йўналишлари бўйича қўллаб мамлакатларга намуна бўлаётгани таъкидланди.

Анжуманда Ф.Эберт жамғармасининг Қозғоғида ва Ўзбекистондаги ваколатхонаси минтақавий вакили Хенриетте Кифер Ўзбекистонда судлар мустақиллигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётгани инсон ҳуқуқлари ҳимоясида мўҳим ўрин тутаётганини таъкидлади. “Хабас корпус” институти самарали ишламоқда. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани принципал қадамлардан бири бўлди.

Халқаро экспертлар инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини қонунчиликка биноан ҳимоя қилиш борасидаги ролинини юксак баҳолади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини янада соддалаштириди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Натижада мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар сони 8 минг 700 га яқинлашди. Хусусан, фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ривожлантириш ва амал-

га оширишга катта ҳисса қўшаётир. Оммавий ахборот воситалари ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиш давом этмоқда. Жорий йил сентябрь ойида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тақдирномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенати шу йил 12 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” қарор қабул қилди.

Халқаро конференция иштирокчилари сессияларга бўлинган ҳолда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур таҳлил этди. Инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ва судда ҳимоя қилиш йўналишига бағишланган сессияда халқаро экспертлар демократик жараёнларнинг чуқурлаштирилиши шароитида суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва инсон ҳуқуқлари миллий институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тобора кўпроқ эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор эканини алоҳида қайд этди.

Тадбир доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган адабиётларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

Халқаро анжуманда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт, маъзур йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳофиза қилинди.

Жинойтчиликни олдини олишнинг муҳим муҳим олддини воситаси

Жинойтчиликка салбий ижтимоий феномен сифатида қараш жамиятда унга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш лозимлигини назарда тутди. Ушбу стратегиянинг йўналишларидан бири — жинойтчиликни олдини олишнинг самарали шакли ҳисобланувчи ҳамда туб маънода одамларни, жамият ва давлатни мазкур ҳодисадан сақлашни англлатувчи ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Хусусан, инсон ва унинг манфаатлари ҳимояси ушбу ўзгаришларнинг асл мазмунини ташкил этди. Шу билан бирга, жиний ҳодисалардан жабр кўрганлар ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарарнинг қоплашишни таъминлаш ҳам шулар жумласидандир.

Тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, жинойт содир этилиши натижа-сида айрим инсонлар бошқалардан кўра жиний хатти-ҳаракатларнинг қурбонига нисбатан кўпроқ жабр кўраб экан. Шу ўринда, таъкидлаш керакки, зўравонлик билан боғлиқ жинойтлардан кўпроқ энг заиф қатламлар — болалар, хотин-қизлар, катта ёшдаги, руҳий ва жисмонан заиф шахслар ҳамда жанжалкаш, ўзини тута олмаган инсонлар зарар кўради.

Шу билан бирга, жинойтчиликка қарши курашиш бўйича тўпланган таж-

риба жинойтчилик ҳаракати механизмида жабрланувчиларнинг шахсий фазилатлари муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Масалан, агар эҳтимол қурбон бўлиши мумкин бўлган шахс эҳтиёткор бўлса, зарурат туғилганда эса жинойтчиға муносиб жавоб берса, жинойтнинг ёки жинойт оқибатида етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ҳам олди олиниши мумкин. Амалиётда бу айна ҳақиқатлигини тасдиқловчи кўплаб мисоллар мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси энг муҳим йўналишлардан ва жинойтчиликни олдини олишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Чунки, унда жинойтнинг олдини олиш ҳаракатлари жинойт содир этган шахснинг хатти-ҳаракатларига эмас, балки жинойт қурбони бўлиши мумкин бўлган шахснинг хатти-ҳаракатларига қаратилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деган тушунча Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни билан мустаҳкамланган. Унга кўра, виктимологик профилактика — бу ваколатли институтларнинг виктим хатти-ҳаракатларини шакллантирувчи ва жинойтчиликни содир этишга сабаб бўлувчи омил, ҳолат ва вазиятларни аниқлаш, бартараф этиш ёки олдини олиш, хатарли гуруҳлар ва виктимлик даражаси юқори бўлган аниқ шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳимоялини хусусиятларини шакллантириш ёки фаоллаштириш мақсадида уларга таъсир кўрсатиш ҳамда фуқароларни жинойтчиликдан ёки кейинги вик-

тимизацияланишидан махсус ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ёки мавжудларини такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаолиятдир.

Этиборлиси шундаки, экспертларнинг таъкидлашича, виктимологик профилактика "барча муаммолар"ни ҳам еча олмаслигига қарамай, у ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарасини сезиларли даражада оширади, умуман жинойтчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мантиқан мукамаллик ҳолатига олиб келади ва шу боис ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг мазкур шаклидан воз кечиш ёки уни эътибордан четда қолдириш жинойтчиликка қарши "ярим" чоралар ёрдамида курашишни англатади.

Шуни таъкидлаш керакки, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, зўравонлик билан боғлиқ жинойтчиликнинг виктимологик профилактикасини янада самарали олиб бориш учун улардан потенциал жабр кўриш хавфи юқори ҳисобланувчи шахсларни аниқлашга қаратилган махсус услубни қўллаб;

— жинойтнинг содир этишга мойил бўлган шахснинг алоқаларини ўрганган ҳолда потенциал жабр кўриши мумкин бўлганларнинг доирасини аниқлаб олиш;

— аниқ шахсдан, яъни жабр кўрганлар бўйича юритиладиган статистик кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан виктимлик даражаси юқори бўлган муайян бир шахс ёки шахслар гуруҳини аниқлаб олиш мумкин.

Виктимологик профилактика фаолиятини янада такомиллаштириш

Улугбек АШУРОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

садида профилактиканинг ушбу турини ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий жиҳатдан, яъни ваколатли органлар томонидан мазкур фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни юқори савияда ва ҳамжиҳатликда, изчиллик билан бажарилишини таъминлашга қодир бўлган ягона ҳуқуқий тизимга бирлаштириб, ушбу қонун ҳужжатининг виктимлик даражасини пассивлаштиришга қаратилган таъсир кўрсатиш чораларини амалга оширишнинг самарали юридик дастағига айланиши лозим.

Шунингдек, виктимологик профилактика фаолиятида кадрлар масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли органлар ходимларининг билим ҳамда кўникмаларини янада мукамаллаштиришга қаратилган махсус ўқув курсларини ташкил этиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий маърифатни, инсон ҳуқуқ ва эркиндикларини, уларни ҳимоя қилиш шакл ва усуллари соҳасидаги таълим тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қила олиши, бунинг учун эса, ўсиб келаятган авлодда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Ислоҳотлар фуқароларимиз манфаатларига хизмат қилади

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда турли соҳаларда эришиб келинаётган марралар ҳақида мушоҳада юритиб эканмиз, бунда албатта, ушбу бунёдкорлик ишларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосга эгалиги ва замон руҳига мос равишда такомиллашиб бораётганига иқдор бўламиз. Мазкур ислоҳотларнинг самарасини мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган чоралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳар қайси ҳуқуқий давлат ўз сибсатини амалга оширишда қонун устуворлиги принципини риоя этилишини таъминлашга интилади. Чунки, айнан ушбу тамонининг ўрнатилиши орқали ҳам давлат органларида, ҳам фуқароларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга нисбатан масъулият ортади. Қабул қилинган қонунлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир хилда ва тўлиқ ижро этилишига эришилади. Пировардиди, ислоҳотларнинг узвийлиги, самарадорлиги тўлиқ таъминланади.

Яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан бир қатор қонунларга киритилган ўзгариш ва

лаш масаласи акс эттирилган. Бу эса, ижрочилар ва аҳолига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан тезкор ва ишончли равишда онлайн режимда танишиш имконини беради. Зеро, ушбу вазифанинг бажарилиши шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ўз вақтида танишишлари, энг аввало, юртимизда амалга оширилаётган

кенг кўламли ислоҳотлардан хабардорлигини оширади, шу билан бирга, қонун билан белгиланган ҳуқуқларидан самарали фойдаланишларига имкон яратиб, мамлакат равнақига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги тажрибасида (АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Жанубий Корея, Финляндия, Россия, Беларусда) ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босма ва электрон кўринишда расман эълон қилиш — бир хил юридик кучга эга.


Қонунда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги нормалар ҳам ўз ифодасини топган.

Киритилган нормалар амалдаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни нормаларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган бўлиб, хусусан қуйидагиларни назарда тутди:

қўшимчалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, унинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур нормаларнинг мазмун-моҳияти қонунларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини оширишга қаратилганлигида намён бўлади. Шу билан бирга мазкур вазифа юзасидан масъул бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.


Қонун билан www.lex.uz сайтида жойлашган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси сифатида белги-



Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонунларнинг 18-моддаларида "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмидан келиб чиқадиغان тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг ваколатлари белгиланиб, унга кўра Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ, ҳуқуқат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахбороти-ни эшитиш масалаларини қўяди, вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиятини жойларга чиқиб ўрганади, шунингдек, янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

(Давоми 9-бетда)



Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан давлат муассасаларида талон-торожлик билан боғлиқ қонунбузилишларнинг олдini олиш, коррупцияга қарши муросасиз бўлишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Совурилган маблағлар

Шухрат УРАЛОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти бўлим катта инспектори

Хусусан, Боёвут тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходими Отажон Масалиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, 2013 йил январь-декабрь ойларида 23 млн. 654 минг сўм, 2014 йил январь-декабрь ойларида 34 млн. 60 минг сўм, 2015 йил январь-март ойларида 4 млн. 559 сўм жами 62 млн. 274 минг сўм пуллари марказнинг 7 нафар ходимининг пластик картчаларига ортиқча ўтказиб, ушбу пуллари шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Натихада, кўп миқдордаги бюджет маблағлари талон-торож қилинади.

Бундан ташқари, О.Масалиев бош ҳисобчи А.Басимов билан жиний тил бириктириб, марказ ишчи ходимларига жами 22 млн. 419 минг сўм моддий ёрдам ва рағбатлантириш учун ҳисобланган нақд пуллари тарқатмасдан, талон-торож қилишади.

Ўз нафсини халқ, жамият манфаатларидан устун қўйган қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Пул васвасаси

Мирноят МИРЖАЛИЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори

Нафс одамни не кўйларга солмайди. Унинг "жилов"ини қўйиб юборганлар зимистон кўчаларга қариб кетаверади. Яхшини ёмондан, оқни қоралдан ажратиб, қонуний ишлаган одам мақсадлари сари дадил олмамайди. Аксинча, инсон била туриб ёмонликка қўл урса, ўз манфаати йўлида ҳеч нимадан тап тортмас, қонуналарга бўйсунмай, жиноят қўчасига кирса, бундайлар, аввало, ўзларига жабр қиладилар. Боиси, қонуналарни устувор юртада жиноят жазо муқаррарлар.

Орамизда ҳаётни фақат пулдан иборат, деб ҳисоблайдиган кимсалар ҳам борки, ундайлар ҳар нарсани ўз қарчилари билан ўлчайдилар. Қўшработлик Шомурод Тошменов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам оқни қорадан ажрата оладиган ёшда эди. У валютафурушлик жиноят эканини билса-да, ўзини бу ишдан тиблмади.

Пойтахтга келган Ш.Тошменов аввалига кундалик ишлар қилиб, кунини кўриб юрди. Бир жойда муқим ишлашга, маош олиб кун кечиришга бўйни ёр бермади. Тезроқ бойиш дарди-хаёли Шомуродни валютафурушликка етаклади. Дастлаб, оз-оздан хориж валюталарини қонунга хилоф равишда олиб-сотиб юрган бу шахс бора-бора нафси хақалаб отиб, миллионлар билан "иш" қиладиган бўлди. Ўша паллада эса жиноятга жазо муқаррарлигини унутди. Ш.Тошменов Қўрай туманидаги Тузель қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 301 минг 200 Россия рублини 25 млн. сўмга сотаётган вақтда СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбир қўлга олинди. Унинг ёнидан топилган, сотиш учун сақлаб келинган бошқа чет эл валюталари ҳам ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди. Суд унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Ўзлаштирилган суғурта пуллари

Қинғир ишнинг қийғи очилмай қолмайди. Ўзларига бино қўйган олғирлар ёниглик қозон ёнигилгича қолади, деб хомхаёл қилишган эди.

Аммо... "Ўзгросуғурта" АЖнинг Езёвон туман бўлинимаси бошлиғи Д.Турсунбоев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) бўлинима ҳисобчиси А.Раҳмонов ҳамда жамиятнинг Фаргона вилоят филиали бошлиғининг ўринбосари Б.Ҳамидов фермер хўжаликлари томонидан пахта етиштириш кредитларининг суғурта бадали учун ўтказиб берилган пул маблағларини ўзлаштириш суғуртада жиний тил бириктиришади. Улар 11 та фермер хўжаликларига тегишли тартибда суғурта полисларини топиришади, қолган 101 та фермер хўжаликларига эса полислар топширилмайди. Уларга ажратилган 44 млн. сўм

микдордаги суғурта пуллари эса жиний гуруҳ аъзоларига таниш бўлган хусусий корхона ва фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига, судланувчиларнинг қариндошлари пластик карталарига ўтказиб, талон-торож қиладилар.

Шунингдек, улар аслида суғурта шартномалари бўлмаган 18 нафар фуқаронинг гўёки зарарларини қоплаб бериш учун уларнинг пластик картчаларига 61 млн. 555 минг сўм маблағларни тушириб, ўзаро баҳам кўришади.

"Ўзгросуғурта" АЖ вилоят филиали бошлиғининг ўринбосари Б.Ҳамидов суғурта бадаллари талон-торож қилинганини яши-

Тулқинжон АБДУЛЛАЕВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Езёвон туман бўлими бошлиғи

риш, 2015 йил 3-чораги ҳисоботларининг нотўғрилигини билгани ҳолда қабул қилиб, тасдиқлаш эвазига Д.Турсунбоевдан жами 29 млн. 500 минг сўм пуллари пора сифатида олади.

Тергов-суриштирув жараёнида Д.Турсунбоев, А.Раҳмонов ҳамда Б.Ҳамидовнинг жиний қилмишлари ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланиб, уларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Яқунига етмаган савдо

Бахриддин АЗИЗОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Чироқчи туман бўлими бошлиғи

Фарзанд — ота-она учун бебаҳо неъмат. Улар умримиз давомчиси. Халқимиз бутун умрини болаларига, авлодларининг келажасига бахшида этади. Уларнинг бахтли бўлиши йўлида тинмай меҳнат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг тақдирини учун қайғуриш масаласига бирламчи вазифа сифатида ёндошилмоқда. Бироқ ана шундай бир пайтда, турли баҳоналарни рўқча қилиб, ўз жигаргўшасини бир буюм сифатида сотиб юбораётган она ёки отани нима деб аташ мумкин?

Қарши туманининг Қоратепа қишлоғида яшовчи фуқаро Акбар Отажонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг СВОЖДЛКК департаментининг Нишон тумани бўлимига чақалоқ савдоси ҳақида йўллаган аризаси барчани ҳушёр тортирди. Ишонини қийин. Наҳотки она тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, жонининг бир парчаси бўлган зурриёдини бозорга солса!

Аризага мувофиқ тезкор тадбир ташкил этилди. Фуқаро Тоҳира Эшова ўртада туриб, Мавлуда Муқимованинг 2015 йил декабрь ойида туғилган ўғлини 5 миллион сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жиний иш қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Акмал Эшонқулов фирибгарликнинг ҳадисини олганлардан экан. У заргарлик дўконида уста бўлиб ишларди. Бир кун унинг ёнига таниши Малоҳат Далабоева келди ва тақинчоғини таъмирлатди. Шунда Акмалнинг фикри бузилди. Фурсатдан фойдаланиб, Малоҳатни аврашга тушди.

Тилла деган эди, мис чиқди

Отабек КУРБАНОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бўлим катта инспектори

— Тилла тақинчоқларингизни берсангиз, сизга бошқа замонавий тақинчоқ ясаб бераман.

Аёл унинг сўзларига ишонди. Ўзининг бир жуфт тилла сирғасини ва узугини Акмалда қолдирди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Акмал мижозига оддий сариқ металл чиқарили қилиб ясалган тақинчоқни тутқазди. Малоҳат бунини сезмади. Акмал эса тилла тақинчоқларни яшигина пулга сотиб юборди.

Бир неча ойдан кейин Малоҳат унинг олдига яна келди ва эски тилла узукни унга тутқазиб, замонавий тақинчоққа айлантириб беришни илтимос қилди.

Бу ишда пихини ёрган Акмал аёлни алдаб, унга яна оддий металлдан ясалган узукни тутқазиб юборди. Тилла узук эса сотилиб, Акмалнинг жигидонидан жой олди.

"Кўза кунда эмас кундагина" деганларидек, вақти келиб Малоҳат бу қинғирликларини сезиб қолди. Акмалга учради. Лекин у айбини тан олмади. Жабрланган аёл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилди.

Акмал аёлга етказилган зарарни қоплаб берди. Суд унга нисбатан тегишли жазо тайинлади.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзгача файзу тароватдан дилингиз яйрайди. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги бир-биридан кўркам, айни дамда замонавий архитектура меъёрлари асосида қурилаётган ижтимоий-иқтисодий объектлар, маданий-маърифий масканларнинг ажиб қиёфаси, аҳоли уй-жойларининг орасталлиги, шинамлиги, йўлларининг раволиги ва кенгайишдан кўзингиз қувонади.

Юлғичлар

Райим ҲАЙДАРОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Музработ туман бўлими бошлиғи

Мана шундай мақсадда ҳар йили давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилиб, хайрли ишларни амалга ошириш учун сарфланмоқда. Аммо кимлардир ушбу маблағлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиб, натижада эса қонун олдида жавоб беришмоқда.

Чунончи, СВОЖДЛКК департаментининг Музработ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширишда туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси бошлиғи И.Жўрабоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Сурхондарёвотойўл" хўжалик йўл фойдаланиш ташкилоти, "Сурхон Термиз Электро" хусусий корхонаси, "Жанубий халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси"нинг мансабдор шахслари билан ўзаро жиний тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилганлиги маълум бўлди. Жумладан, бу кимсалар 2015 йил давомида ҳудуддаги бир неча йўлларни жорий таъмирлаш жараёнида амалга оширилган ишларга аслида бажарилмаганларини ҳам қўшиб ёзиб, ҳужжатларга сохта ёзувлар киритган ҳолда, 32 млн. сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишгани аниқланди.

Шунингдек, И.Жўрабоев 2014-2015 йиллар давомида корхона балансида бўлган "MAN" автомашинасидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, давлат манфаатларига 87,4 млн. сўм зарар етказгани ҳам текширишларда ўз тасдиғини топди.

Маъзур ҳолат юзасидан И.Жўрабоев ва унинг ҳамтовоқларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан қонуний жазо тайинланди.

Адоват

Хамиджон РАХМАТУЛЛАЕВ,
Юнусобод туман
прокурорининг катта ёрдамчиси

Бугун касб-ҳунари билан ном таратган, мустақим ҳаётимда фаровон турмуш кечириётган, шу билан бирга кўпчиликка нафи тегаётган шундай инсонлар борки, уларни кўриб барчанинг дили, кўнгли нурга тўлади.

Умидбек Латипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ҳунари билан ном чиқарган, автомашиналарни тузатувчи моҳир уста. Унинг хизматларидан кўпчилик мамнун.

Умидбекнинг бир неча йиллардан буён хизматидан фойдаланиб келган таниши Юнусбек Зоҳидов "BA3-2106" автомашинасида кеч бўлганда йўқлаб қолди.

— Машинанинг юришларида камчилик бор, бир кўриб берадиганми? — дея Умидбекнинг елкасига қочди Юнусбек.

Автомашинанинг у ер-бу ерини кўрган уста, бир оз ўйланиб қолди.

— Мотор, рул ва юриш қисмларини таъмирлаш керак.

Умидбек автомашинани кўздан кечиришда давом этар экан, яна кўшимча қилди. — Хуллас иши бор, бир-икки кунлик эмас, имкониятингизга қаранг — деб танишига юзланди.

— Бўлди. Сиз нарҳини чиқариб айтаверинг, пулидан муаммо бўлмайди.

Юнусбек ўзаро келишув асосида автомашинасини 1.2 млн. 200 минг сўмга таъмирлатишга тўқнаб қолди. Орадан ўн кун ўтиб, автомашина таъмирдан чиқди. Икки томон ҳам розилик билдирган бўлиб, хуш кайфиятда хайрлашди. Бироқ автомашинани бир оз вақт ҳайдаб юрган Юнусбекнинг кўнгли тўлмади. Мотордаги камчилик сабаб кўнгли гаш бўлиб юрди. Сўнг автомашинасини Умидбекка қайта таъмирлаши учун ташлаб кетишга қарор қилди. Орадан 2-3 кун ўтиб, автомашина қайта таъмирдан чиқди. Устахонадан автомашинасини олган Юнусбек уста билан бир оз "сен-мен"га бориб қолди. Улар тарқалишгач, Юнусбекнинг кўнглида қасд олиш нияти пайдо бўлди.

Спиртли ичимлик истеъмол қилган маҳал Юнусбекнинг ёдига Умидбек билан бўлиб ўтган воқеа тушди. Маст ҳолда, қолаверса, кеч бўлганга қарамай устахонага келди.

— Умид! Қани у?! — деган Юнусбекнинг овози устахонани тўтди.

— Нима гап ака, тинчликми? — дея уста кўринди.

Ҳеч нарсадан беҳабар Умидбекнинг бошига Юнусбек пичоқ уради. Жароҳатланган уста яқиндаги хонага қочади. Жаҳл отига минган Юнусбек унинг ортидан қувиб қиради. Ҳаётини ҳимоя қилишга киришган Умидбек чап-дастлик билан Юнусбекнинг қўлидан пичоқни тортиб олади ва унга жароҳат етказди. Шу орада устахонадаги бошқа одамлар ички ишлар идорасига кўнгириқ қилишади.

Юнусбек Зоҳидовнинг уста Умидбек Латиповга бўлган адовати суд томонидан атрофича кўриб чиқилиб, ҳукм чиқарилди.

Унга кўра, Юнусбек Зоҳидов тегишли жазосини олиб, устага етказилган моддий зарарни ҳам қоплайдиган бўлди.

Нима бўли-ю, эр-хотин — Нарғиза ва Суннат Маҳмудовларнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўнглида "ўзга юртларда ишлаш" иштиёқи пайдо бўлиб, Асида уларни бу йўлга ёши олтидан ошган она етаклади.

Чегарадан ноқонуний ўтиб...

Хусниддин КУТПИДИНОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

— Онам акамнинг ёнига бориб ишлашимизни айтаяптилар, — деди бир куни Нарғиза эрига.

— Шу ерда ҳам бинойидек ишлаб пул топяпмиз-ку? — ҳайрон бўлди Суннат.

Эр-хотин Самарқанд вилоятида туғилган, тақдир тақозоси билан Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшар эдилар. Асосийси, рўзгорлари бут эди. Бироқ нафс кургурнинг сўзига кирган Нарғизанинг онаси Муаззам Собирова уларни ўғлининг ёнига — Туркияга бориб ишлашга мажбурлай бошлади.

— Саид акангизни қаранг, қачондан буён Туркияда ишлайди. Ҳовли-жой қилди, машина олди. Сизлар ҳам бориб ишланглар. Қолаверса, қизим бир умр сиз билан бозорма-бозор юриб, пул топиб юрадими? Йўқ, кувё, сиз ҳам борсангиз, юринг. Бўлмаса, қизимни ўзим билан олиб кетаман, акасининг ёнида ишлайди.

Бошида Суннат қайнонасига қарши чиқди. Аммо турмуш ўртоғи Нарғиза онаси, ҳамроҳлигида йўлга отлангач, ноилжол улар билан кетишга мажбур бўлди.

— Туркияга шундоқ кетиб бўлмайди-ку?! Аввал виза олиш керак эмасми?! — Нарғиза жомадонини ҳозирлаб қўйганини кўриб ҳайратланди Суннат.

Қайнона эса куёвининг "содда"лигидан мириқиб қолди. — Ҳозир "виза-пиза" деб кун ўтказиш шарт эмас, — деди ниҳоят писанди билан. — Сиз эртага тайёр бўлиб тураверинг, водий орқали ўзим Қирғизистонга олиб ўтиб кетаман. У ёғи жуда осон, Туркияга бир зумда етволамиз!

Муаззам Собирова бу каби ишларнинг "пир"и бўлиб кетган экан. Аввал йўловчи машинада Фарғона вилоятининг Водил қишлоғига келишди. Уларни шу ерлик фуқаролар — Аъзам Мамаев ҳамда Ҳўтам Раҳимов кўтиб олди. Улар М.Собирова билан обдон "савдолашгач", маълум ҳақ эвазига иккинчи даражали йўллар орқали яширин тарзда қўшни республика ҳудудига олиб ўтиб қўйишга бўлишди.

Уш вилоятининг Қадамжой қишлоғига ўтиб олишгунча, ҳеч бир муаммо бўлмади. Сабаби, А.Мамаев ҳамда Ҳ.Раҳимов ноқонуний тарзда чегарани бузиб ўтишнинг устаси фаранглари экан.

Чегарабузар оиланинг кирдиқорлари ўтган йилнинг апрелида Бишкек аэропортида фош бўлди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинди.

Судда қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди. Унга кўра, Суннат Маҳмудов олти йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Муаззам Собирова ва Нарғиза Маҳмудовага нисбатан ҳам жиноий жавобгарлик белгиланди. Табиийки, водиллик ҳайдовчилар ҳам тегишли жазоларини олишди.

Халқимиз "Букрини гўр тузатади" дейди. Хуршид муқаллам сулмони, жазосини олган эди. Бироқ у бунаан тўғри хулоса чиқармаган экан. Енгил йўллар билан бойлик орттириб, кун кечирмишга олатилган Хуршид яна жиноятга қўл уради.

Бир куни Хуршид қўшниси билан Гофурнинг чойхонасига борди. Бу ерда ўзаро сўхбат орасида Хуршид наша кераклигини айтди. Гофур харидорни бегона қилгиси келмадими, поччасида наша борлигини айтди. Уша ернинг ўзиде Хуршид Гофурдан поччасининг телефон рақами ва манзилини ёзиб олди. Сўнг қандай бўлмасин уша нашини қўлга киритиш пайида юрди.

Хуршид бир пайтлар Тошкент шаҳридаги мактабларнинг биринида қурилиш ишларида ишлаган эди. Уша кезлари қаровсиз қолган кутубхона муҳридан фойдаланиб, сохта гувоҳнома тайёрлаганди. Ана шу гувоҳномани олиб, укаси Алишер ва қариндoshi Шавкат билан Гофурнинг поччаси Қодирнинг уйига йўл олди.

Қодир томорқасига олти тул "марихуана" гиёҳвандлик воситасини экиб, парваришлаган эди. Буни фақат хотини Гулнора билар эди. Лекин эрини бу йўлдан қайтармади. Аксинча, гиёҳвандлик воситаларини парваришлаганда унга ёрдамлашди. Хуллас, харидорлар келишди.

— Наша бўлса сотиб оламан. Бошқасига алмаштиришимиз ҳам мумкин, — дея Хуршид сўзасолигини бошлади.

— Маъқул. "Кўкнори"га алмашаман, — деди гапни чўзмасдан Қодир.

Улар ўзаро сўхбатлари давомида келишиб, тарқалишди.

Эртаси куни Хуршид Қодирга кўнгириқ

Калтабинлик

Бекзод ЯРАШЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари



хулосага ҳам келиб қўйди. Ўзини ёлғиз, кераксиз ҳисоблай бошлади.

Шу пайт 2008 йилда уни "варикоцеле" касаллигининг даволаб, жарроҳлик операциясини ўтказган шифокор Миробид Раҳимов ёдига тушди. "Уни ўлдираман. Ҳаммасига ўша сабабчи. Наркоз бераётганда менга алламбало саволлар бериб гапимга теккан эди."

Орадан саккиз йил ўтди. Бу даврда Сарвар ҳарбий хизматга бориб қолди. Ҳунар ўрганди. Бировдан кам бўлмади. Бироқ...

Когон шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт бirlашмасига келиб, М.Раҳимовнинг йўлини поилаб турганда ҳам нега бегуноҳ одамнинг ҳаётига зомин бўлишим керак, деган саволни ўзига бериб кўрмади. Аксинча, қўлда ясалган пичоқ билан зина ёнида пайт поилаб турди. Бу вақтда қабулида бўлган беморларга ташхис қўйиб, ўз вазифасини бажарган Миробид Раҳимов зарурат юзасидан пастга тушди.

Кутилмаганда қилинган ҳамладан М.Раҳимов ҳеч нарсани англолмади. Сарвар эса унинг дуч келган жойига бир неча бор пичоқ урди. Қий-чув, дод-фарёд кўтарилди. Шафқатсизлик қурбонига айланган шифокор гап нимада эканини ҳам англай олмай, ҳаётдан кўз юмди.

Судда М.Раҳимовнинг касбдошлари, уни биладиган, танийдиган гувоҳлар кўрсатмасида марҳум Миробид Раҳимов жуда камтарин, камсуқум, ҳеч қачон бирор беморга озор бермаган, ўз касбининг пухта билимдон бўлганини эътироф этишди.

Шунингдек, ўзидаги ишонсизликни енга олмаган, ўзининг манкурт фикрлари доирасида қотиб қолган Сарвар Набиев ўйлаганидек, 2008 йил унда амалга оширилган "варикоцеле" (эркаклар жинсий аъзолари касаллиги) касаллиги юзасидан ўтказилган жарроҳлик операцияси бу шахснинг соғлиғига умуман дахл қилмаганлиги мутахассислар томонидан қайд этилди.

Афсуски, вақтни ортага қайтариб бўлмайди. Халққа нафи тегиб юрган, жамиятда ўз ўрнига эга бир инсон ҳаётдан эрта кўз юмди. Унинг оиласи, фарзандлари, яқинлари юрагидеги битмас яра, изтироб ва армонни ҳеч бир таскин даволай олмайди.

Сарвар Набиев суд ҳукми билан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Оғуфрурушлар жанжали

Собиржон ЖАНИЕВ,
Каттақўрғон шаҳар
прокурорининг катта ёрдамчиси

қилиб, "Мол тайёр бўлдимиз?", — деб сўради. Қодир келаверишини айтди. Гулнора эса "марихуана"ни майдалаб, целофан пакетга жойлаб қўйди.

Кечга яқин Хуршид укаси Алишер, қариндoshi Шавкат ва қўшниси Фарҳоди ёнига олиб, йўлга отланди. "Наша олиб келамиз. Сотиб ҳамманга бир миллиондан бераман" деб ваъда берди.

Йигитлар Қодирнинг уйига киришди. Гулнора ерга целофан тўшаб, устига қуритиб майдаланган 2 кг "марихуана"ни тўқди.

— "Кўкнори"ни олиб келдингми? — деди Қодир қатъият билан.

— Бугун иложи бўлмади-да, эртага олиб келсам-чи? — дея Хуршид каловланди. Қодир бунга кўнмади. Қўлидаги молнинг нарҳини айтди.

Хуршид рози бўлиб машинасидан пулларини олиб келишга чиқди. Пулларини укасига бериб, ўзи ердаги "марихуана"ни халтачага жойлаб, ёнига қўйди.

— Молни долларда сотиб оламан, — дея Хуршид ерга чўқсалаб ўтирди. Қодир қаршилиқ қилмади. Хуршид 1500 АҚШ долларини Қодирга узатди:

— Булар сохта-ку, кимни аҳмоқ қилаясизлар? — деган ҳам эди Хуршид ён чўнтагидан гувоҳнома чиқариб, "Биз ички ишларданмиз, биз билан идорага борасизлар" деди.

Қодир ҳам, Гулнора ҳам бунга ишонмади. Хуршиднинг найранги иш бер-

мади. Уларни ишонтиролмагач, шерикларига пулни олиб кетинглар деб, ўзи гиёҳвандлик воситаси солинган халтага ёпишди. Қодир ҳам халтага ташланди. Бир пастда қий-чув бошланди. Гулнора эрига ёрдамлашмоқчи бўлганда Хуршид уни итариб юборди. Хуршидга Шавкат ёрдам берди. Қодирни йиқитиб, халтани олиб қочди. Гулнора қизига "акангини қақир" деб бақирди. Қодирнинг жаҳли чиққанидан офтоба билан улар келган машинанинг орқа ойнасини синдириди.

Йигитлар машинага ўтириб, қочиб қолишди. Лекин шериклари Шавкат қолди кетди. Шу яқин орада бўлган Қодирнинг жияни Элёр Шавкатни тутиб қолди. Қодир унга бир-икки оғиз гапириб, қўйиб юборди. Жиянига ҳам бўлиб ўтган воқеани айтмади.

Гиёҳвандлик моддасини сотиб, мўмай даромад орттиришни ўйлаб юрган Хуршид ўз мақсадига етишолмади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланди.

Суд ҳукми билан Хуршид Эсиргапов 12 йил, Алишер ва Шавкат Эсиргапов, Фарҳод Нарзуллаевларнинг ҳар бири 8 йил, Қодир Кенжаев эса 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Гулнора Кенжаевга эса 3 йил синов муддати белгиланди.

Қўйнидан тўкилса қўнжиги...

Маълумки, бутун дунёда молиявий ресурсларнинг айлануви банклар орқали амалга оширилади. Шундай экан, ҳар бир банкнинг ишончлиги, фаолиятининг барқарорлиги ишни нечоғли тўғри ташкил этишганига бевосита боғлиқдир. Шу боис юртимизда ҳам банкларнинг ҳаққор меъёр ва стандартларга мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш учун бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Ана шундай меъёрий ҳужжатлардан бири 2015 йилнинг 5 августда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган "Банка алоқадор бўлган шахслар билан тузилмадан битимлар тўғрисида" ги Низом бўлиб, унда банка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни тузиш, ушбу битимларнинг ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисоботни тақдим этишга оид талабларни белгилайди.

Мазкур Низомда банка алоқадор шахслар тоифасига: банкнинг мансабдор шахслари, жумладан банк кенгашининг аъзолари, ушбу банкнинг барча ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари; банк устав капиталининг 10 фоизи ва ундан ортиқ қисмига эгалик қилиб турган юридик шахснинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари; банк юридик шахсининг қатнашчиси (акциядори) бўлиб, унинг устав капиталидаги улуши 10 фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахс, унинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари; банкнинг ийрик акциядори (жумладан, юридик ва жисмоний шахс) бўлган ёки кучли таъсир кўрсатадиган ёхуд алоқадор шахс

бўлган юридик шахс ёки жисмоний шахсларнинг уюшмалари кириши белгиланган.

Бундай шахслар билан ёки улар номидан тузадиган битимлари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган битимларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай битимларни тузиши тақиқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Қонунининг 26-моддасида банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек, банк билан алоқадор шахс учун қафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг қарорига кўра берилиши кўрсатилган.

АТБ "Микрокредитбанк" нинг Чироқчи филиали бошқарувчиси ҳамда "Чироқчи пахта тозалаш" АЖ раиси вазифаларида ишлаган Маъруф Пирназаров бу талабларни билмасми-дир?! Биларди, албатта. Аммо нафс кургур устунлик қилди. Шу боис у ўзига ишониб топширилган ваколатдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, қатор жиноятларга қўл урди...

Ўттиз бир ёшни қаршилаган Маъруф Пирназаровни "Микрокредитбанк" нинг Чироқчи тумани бўлими бошқарувчиси этиб тайинлашганларида мутаассадилар ёш мутахассиснинг ўз билими, тажрибаси ва faira-тини соҳа ривожига сарфлашидиган умидвор бўлишган эди. Бирок...

Чироқчи туманидаги "Uchar lochin" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ўтган йили тўйхона биносини ва автотомобилларга ёниги қўйиш шохобчасини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун банкдан 300 млн. сўм кредит олишди. Тўғри, бутун асл ишибилармоннинг замони келди. Соҳанинг минглаб вакиллари ҳалол бизнеслари

ортдан даромад қилишяпти, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш сингари қатор соҳаларни ривожлантиришяпти, янги иш ўринлари яратишяпти, ўз тадбиркорликлари ва меҳнатлари билан юрт тараққиётига катта ҳисса қўшишяпти. Шу боис мамлакатимизда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига катта эътибор қаратилмоқда, қатор имкониятлар ва имтиёзлар яратилмоқда.

"Uchar lochin" ортида турган "тадбиркор" ҳам шундай хайрли ниятларни дилга тугиб, мазкур маблагларни банкдан қонуний тарзда олиб, эзгу мақсадлар учун сарфлаш, ўзига ҳам, жамиятга ҳам наф келтирадиган ишлар билан шуғулланиши мумкин эди. Бирок у ишбилармонликни эмас, "Ўзибўлармон" лики касб қилди. Яратилган имкониятларни "давринг келди - сур бегим" тарзида тушуниб, алдов ва фириб йўлини танлади. Ўзининг қонунга хилоф қатор ишлари билан фуқаролар ва давлат манфаатларига жуда катта миқдорда зиён етказиб, оқибатда эл ичра юзи шувуvt бўлди.

Гап шундаки, "Uchar lochin" МЧЖнинг 80 фоиз улуши банк филиали бошқарувчиси Маъруф Пирназаровга, қолган 20 фоизи эса унинг онаси Г.Жалиловага тегишли эди. Аслида М.Пирназаровнинг ўзи мазкур МЧЖни ташкил этган, онасини шунчаки раҳбар сифатида расмийлштириб қўйган эди. Аслида ҳамма ишларни ўзи бажари келаетганди. Ўқорида "банка дхлдор шахслар" тушунчаси ҳақида алоҳида тўхталганимизнинг боиси ҳам шунда.

Маълум бўлишича, М.Пирназаров 2015 йил 10 июндаги рақамсиз кредит бюртмасини МЧЖ раҳбари бўлган онасига имзолатиб, кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун топшириб,

кредит ажратиш жараёнида МЧЖнинг молиявий ҳисоботларини тегишли тартибда ўрганмасдан, унга 14 фоиз устама тўлаш шarti билан 36 ой муддатга 300 миллион сўм кредит маблаг ажратиш мумкинлиги тўғрисида хулоса тузиб, имзолаетди. Кредит ажратиш тўғрисида тегишли мажлиси баёини расмийлштириб, уни вилоят кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун юборди. Кредит ажратиш ҳақида вилоят кредит қўмитасининг мажлиси баёинидаги ёзувлар ўзгаририлиб, мазкур баённома сохталаштирилди ва шу орқали кредит ажратилишига эришди.

Афсусланарлиси, М.Пирназаров кредитнинг фақат 9 млн. 950 минг сўмидан тўйхонани таъмирлаш мақсадида фойдаланди, холос. Қолганини бошқа мақсадларга сарфлаб юборди. Кредит маблаглари ва фоиз тўловлари қатъий график асосида ўз вақтида тўланишига келганда эса, у ўз мансаб ҳамда ваколатларини суиустемол қилиб, четга сурди ва қарзни қайтаришни истамади. Шундай қилиб, бу шахс жуда кўп миқдордаги пул маблагини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиши оқибатида давлат манфаатларига зарар етказилишига сабабчи бўлди.

Банк филиали бошқарувчиси "Uchar lochin" нинг ҳали 260 млн. 770 минг сўм миқдорда кредит қарздорлиги бўлса-да, юқоридаги "услуг" орқали унга (яъни ўз-ўзига) навбатдаги кредитни "туҳфа" этди. Яъни, ажратилган аввалги кредит график асосида қайтарилмаётганини била туриб, МЧЖга 12 фоиз устама тўлаш шarti билан 24 ой муддатга яна 50 млн. сўм кредит ажратишга эришди. Мазкур маблаг ҳам мақсадсиз ишлатилиб, ўзлаштирилди. Кредит маблаглари

Одил ПАЙНОВ,
Чироқчи туман прокурори

ва фоиз тўловлари қатъий график асосида тўланиши ҳам яна назоратсиз қолди...

Маъруф Пирназаров бу жиноят билан ҳам "тинчимади". Тумандаги "Қурбон Нуркул" фермер ҳўжалиги раиси Нуркул Қурбонов билан тил бириктириб, фермер ҳўжалиги томонидан "Чорвачиликни ривожлантириш ва чорва комплекси куриш" учун ҳўжаликнинг тўлов лаёқати, молиявий ишончилиги, доимий пул маблаглари оқими ва молиявий ҳисоботларини, шунингдек, чорва комплекси курилиши лозим бўлган смета ҳужжатларини талаб қилмасдан, кредит бюросидан ажборот олмасдан, 12 фоиз устама тўлаш шarti билан 24 ой муддатга 35 млн. сўм кредит ажратилишига "қўмақлашиб" юборди. Гаров таъминоти қаторида банкдан ҳануз қарздор бўлган "Uchar lochin" МЧЖ кафиллигини ҳам қўйди. Табиийки, бу ҳимматнинг сабаби бор эди. Яна ўша аҳвол такрорланди. Кредит мақсадсиз ишлатилди. Шифер келтирилиб, нақд пулга сотилиб, маблаг талон-торож қилинди.

Суд ҳукми билан Маъруф Пирназаров ва Нуркул Қурбонларга тегишли жазо тайинланди. Иш бўйича банка етказилган 385 млн. сўм зарар тўлиқ қопланди.

Халқимизда "қўйнидан тўкила — қўнжиги" деган ибора бор. Афтидан, бу ибора дастлаб Хирмондан дон ўғирлаганларга нисбатан айтилган бўлса, ажабмас. Катта "хирмон" учун масъул бўлган банк филиали бошқарувчиси шу қабилда иш тутиб, "қўнжиги" ўз обрўсини ҳам тўкиб қўйганини билмай қолди.

Дили сўқир бандалар

Анваржон АДХАМОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

У расман ишсиз эми. Шаҳардаги компьютерхоналардан бирида норасмий ишлар, фойдаланувчиларга компьютер дастурларини очиб бериб, ҳисоб-китоб қилиб ўтирарди. Фойдаланувчилар сийрак ёки ҳеч қим бўлмаган пайтларда компьютердаги ўйинларни ўйнаб, турли кинофильмларни кўриб, вақтчоғлик қиларди.

Айниқса, ҳис-туйғуларни жунбушга келтирадиган, қўлга тушмас ўғри-пултопарларнинг, киллерларнинг саргузаштлари ҳақидаги хорижий фильмларни хуш кўрарди. Бой-бадавлат хонадонларнинг газналарини шип-шисдан қўлиб ёки банкларни тунаб, изсиз гойиб бўлувчи, денгиз соҳилида жойлашган курортлардан бирида ўғирланган пулларини совириб, кайфу сафо қилиб юрвчи, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, чўпчанкано киносарқитларнинг "қахрамон"лари тасавурини айқаш-уйқаш қилиб, дилида билвосита ёвузлик уруғини урчишиб борган бўлса, не ажаб. Сайдуллонинг (исм-фамилиялар ўзгаририлган) ёвуз режаси айнан компьютерхонада туғилди. Кўркўрни қоронғуда топибди, деганларидай ўзига ўшаган, дийдаси қотган, дили сўқир, 19 ёшида ўғрилиқ, вояга етмаган шахсни жиноятга тортиб, талончилик жиноятларини содир этишга улгурган Абдиқодир билан айнан шу ерда танишди.

Апрель ойининг ўрталари эди. Сайдулло компьютер қаршисида ўтирган Абдиқодирни ташқарига чорлади.

— Биттаси билан орани очиб қилиб олишим керак, — деди дабдурустдан.

— Ким у, ораларингдан нима гап ўтган?

— Акам хонанда. Тўйларни қизитади. Акамнинг қишлоғига тўйга бордик. Акам чиройли бир қизга ҳушдор бўлиб қолди. Жанжал чиқди. Амаким-

нинг ўғли Комил ўша қизни, деб акамга қўл кўтарди. Ўртоқлари билан акамни дўппослади. Отаси билан гурчўғурушлик қилиб, бейваҳча бўлиб олибди. Пул қўтиртирмаса, амакиваччасини қопармиди, ит эмган.

— Шунча бойми, пуллари қўпми? — ўғрилиқ борасида "отнинг қашқаси" бўлиб улгурган Абдиқодирни йирик ўлжани қўлга киритиш эҳтимоли ўз домига тортди.

— Уйда сейфи бор. Амаким шанба-яқшанба кўнлари Тошкентга қатнайди. Комил ёлғиз қолади. Бир ёқлик қилиб, пулларини очкичиб кетсақ, нима дейсан? — Гап йўқ. Лексин шундай ишлаш керакки, биздан шубҳа қилишмасин.

— Ҳаммасини, икир-чикиригача ўйлаб қўйганман. Фақат машина керак бўлади.

— Битта қирақаш ошман бор.

Абдиқодир компьютерхонага Юсуфни бошлаб келди. У "машинам ремонтда, аммо қирақаш оғайнимнинг машинасини бир кунга сўраб олишим мумкин", деди. "Эллик минг сўмга йўқ демайди", Сайдулло пулни берди. Яқшанба кўни компьютерхонада тўпланишди.

"Оғайнимни кўндролмадими, — деди Юсуф. Акамнинг машинасини сўраб кўраман". Сайдулло кечкурун компьютерхонани беркитди. Уйдагиларга "Абдиқодир билан ўртоғимнинг компьютерини йиғиб берамиз", деб чиқиб кетаетди, очилиб ёпиладиган пичоқни чўнтагига солди. Абдиқодир иккиёқлама тигли ханжар билан қуролланиб олган эди. Аптекадан бир жуфт резина қўлқоп олишди. Тун ярмида Юсуф келишидан жойга миниб келган "Матиз" машинасининг калитини бериб, ўзи уйига кетди. Сайдулло ва Абдиқодир машинада Қўқондан Бешарикқа йўл олишди. Фурқат ту-

мани марказидаги чорраҳадан ўтганларидан сўнг дала четида тўхташди. "Матиз"нинг давлат рақамини ёчиб, юкюнасига ташлаб қўйишди. Тунги соат бирларда манзилга — қишлоққа етиб келишди. Амакининг ўйи ёнидан машинани секин ҳайдаб ўтишди. Итлар хурди. Хонадон чиройи ёнди. Босқинчиларнинг тўсатдан бостириб кириб, уйкуда босиш режаси пучга чиқди. Машинанинг бир қаноти озроқ лат еган бўлиб, Комилни қақчириб олиш учун баҳона топилди.

— Мелисадан қочдик. Тўхтамай ўтиб кетган эдик, ортимиздан қувшиди, — деди унга Сайдулло. — Ана қара, қанотини уриб олдик. Кўчаларингга келганимизда, бензин тугаб, ўчди.

Комилжон беш литрлик канистрда бензин олиб чиқиб, машина бағига қўйди. "Қорнин оғрипти", дея Сайдулло баҳона қилди. Шу тариха ҳовлига кириб олишди. Комилжон ётиб-турадиган хонада гаплашиб ўтиришди. "Амаким Тошкентдами", — сўради Сайдулло.

— Зарур иш чиқиб қолди, бу сафар бора олмади.

— Қорин очди, — деди Абдиқодир. Комилжон ошхонага чиқиб кетгач, Сайдуллога "Гапни чўзма", дея ханжарни чиқарди.

Сайдулло нонни дастурхонга қўйган Комилжоннинг бўйнига тиг санчди.

— Нимага, нима учун, — дея йигит бақриб, бўйинни чангаллади.

— Учир овозингни! — Комилжон тилини тишлади. — Битта манжалақини деб

акамни урдинг-а!

— Кечир, мени, — Комилжон ёлворди. Сайдулло келишиб олганларидай, шу захоти унинг юзига ёстиқ босди. Абдиқодир эса ханжарни бир неча марта қорнига санчди. Комилжон типирчиламай қолгач, Сайдулло билан Абдиқодир қўлларига қўлқоп қийиб, қўшни хонага кириб боришди.

— Кечаси нима қилиб юрибсанлар? — сўради уйғониб кетган амакиси.

— Машинамиз бўзиллиб қолди, ана қаранг.

Деразадан ташқарига қараган амакисининг ортидан бориб пичоқ санчди. Абдиқодир дуч келган жойига бир неча марта ханжар урди. Жони узилганига ишонч ҳосил қилган босқинчилар хонадаги сейфининг калитини излаб топа олишмади. Сейф ёнидаги синтетик қоп ва халтанинг ичи тўла пул эди. Қопга халтани солиб, машинада Кўқонга йўл олишди. Йўл-йўлакай пичоқ ва қўлқопларни дала четидаги зовуруга иргитишди. Эрталаб бешларда Абдиқодирнинг уйига келишди. У ичкаридан тоза кийим олиб чиқди. Кийимларини алмаштириб олишди. Қон юки кийимларини синтетик қопга солиб, Данғара туманидан ўтган сойга ташлаб юборишди. Телефонда Юсуфни қақчиришди. Пулни санади. Олти миллион бир юз минг сўмини бўлишиб олишди. Юсуф акасининг машинасини миниб кетди. Сайдулло сумкадаги пул билан компьютерхонага йўл олди. Ҳеч қандай из қолдирмадик, дея хомтама бўлган босқинчи қўтилариб бир неча кун ўтиб, бирин-кетин ҳибсга олинди.


Суд қўзи очик бўлса-да, дили сўқир, тубанликка юз тутган, ўз амакиси ва унинг ўлигини жонига қасд қилган 22 яшар С.Холдоров ҳамда унинг жиний шериклари А.Тўланов ва Ю.Бойқононовни узок муддатларга озодликдан маҳрум этди.

Ёшларимиз жаҳон чемпионатига чиқа олмади

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кетидан ёшлар термаимиз ҳам ўз олдига қўйилган вазифани бажара олмади. Жасур Абдураимов жамоаси ҳам чорак финалда имкониятни бой берди.

Гуруҳ бахсларида чиройли ўйин кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллаган ҳолда кейинги босқич йўлланмасини кўлга киритган ёшларимиз чорак финалда эронлик ёшларга имкониятни бой беришди. Аслида, ўйин ва футболчиларнинг техник маҳорати борасида жамоамиз Эрондан кучли эди. Аммо форслар кучли жихатларимизни имкон қадар йўққа чиқариб, ожиз томонимиздан фойдалана олишди.

Таъкидлаш жоизки, эронликлар учрашувда ўйиндаги "стандарт"лардан фойдалана



OCTOBER 13 - 30 2016

AFC U-19 CHAMPIONSHIP BAHRAIN 2016

нишга ҳаракат қилишди. Ана шундай уринишлардан бири 14-дақиқадаёқ уларга наф келтирди. Жаримадан етказилган тўпга Шакарый чалқанча услубда зарба беришга уринди, аммо тўп унинг ёнида турган Жаъфарийга келиб тушди. Ризо яқин масофадан аниқ

зарба билан дарвозани ишғол қилди.

Бундай учрашувда кам хато қилган жамоа галаба қозониши табиий ҳолат. Эронликлар дарвозамизни ишғол қилганларида кейин кўччилик бўлиб ҳимояланиб, беҳато ўйнашга интилишди. Танафусга қадар тер-

ма жамоамиз тўла устунликка эга бўлиб, бир қатор вазиятлар яратишди. Баъзи ҳолатларда омад форсларга қулиб боққанини ҳам таъкидлаш лозим. Жумладан, Яшибоев узатма бераётганида ҳимоячининг оёғига тегиб, дарвозага йўл олаётган тўп устунга теғди ва майдонни тарк этди.

Хуллас, футболчиларимиз гол уриши шарт бўлган вазиятларда рақиб футболчилари зарба йўлига ғов бўлишнинг уддасидан чиқилди.

Иккинчи бўлим бошланиб, жамоамиз катта куч билан олдинга ташланаётган пайтда Эрон яна йўқ жойдан голни нишонлашга муваффақ бўлди. Футболчиларимиз майдон марказида тўпни йўқотишди ва рақиб футболчиси тўпни олдинги чизикқа узатиб берди. Марказий ҳимоячиларимиз хаёфни бартараф этиш ўрни-

Олмади


га саросимага тушиб, тўпни рақиб ҳужумчисига олдириб қўйишди. Натижада, тезлик билан олдинга ташланган Жаъфарий яккама-якка вазиятда дарвозани ишғол қила олди. Ана шу гол ўзбекистонлик ёшларга руҳий жиҳатдан қаттиқ таъсир кўрсатди. Улар биринчи бўлимдагидек дадил ҳаракат қила олишмади.

Қайд этилишича, Эрон ёшлар терма жамоаси ўз мақсадига эришди ва 15 йилдан кейин ilk марта Жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати. Чорак финал.

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН — 0:2 (0:1)

«Уотфорд»га жарима қўлланилиши мумкин



Англия Премьер-лигасида иштирок этаётган «Уотфорд» футбол жамоасига нисбатан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда «The Telegraph» хабар тарқатади.

Жамоа сохта молиявий ҳужжатларни тақдим этганликда шубҳа остига олинган. Бунинг учун клуб катта миқдорда жаримага тортилиши ва жамоа очколардан маҳрум қилиниши мумкин.

Жино Поццо исмли шахс «Уотфорд»нинг ягона хўжайинига айланганидан кейин клуб банкка сохта хат тақдим этган экан.

Бундай сохта ҳужжатлар билан Ж.Поццо клубни сотиб олиш учун банк ҳисоб-рақамида етарлича маблағга эга эканини кўрсатган ва мазкур ҳуқуққа эга бўлган.

Жаҳоннинг энг яхши банкларидан бири — «HSBC» Англия Премьер-лигасига хат йўллаб, аввал тақдим қилинган ҳужжатлар сохта эканини ошқор этган. Бундай сохтакорлик 2014-2015 йилги мавсум олдидан, «Уотфорд» премьер-лигага чиққан пайтда рўй берган экан.

Лига вакили «Уотфорд»га нисбатан суриштирув ишлари бошланганини тасдиқлади. Футбол лигаси қондасига кўра, бундай қоидабузарлик туфайли клубга нисбатан жиддий жазолар қўлланиши, хаттоки, жамоа лигадан четлатилиши ҳам мумкин.

Сколари шартномани узайтирди

Хитойнинг «Гуанчжоу Эвергранд» футбол клуби бош мураббийи Луиз Фелипе Сколари билан шартномани узайтирганини расман эълон қилди.



«Дунёдаги энг яхши мураббийлардан бири Сколари клубимизга етакчи ўринни сақлаб қолиш, катта галабаларга эришиш учун пойдевор ўрнатиш, ёш юлдузларни тарбиялаш, ажойиб ўйин билан мухлисларга қувонч улашиш учун ёрдам беради деб ҳисоблаймиз», — дейилади клуб баёнотида.

Эслатиб ўтамиз, «Гуанчжоу Эвергранд» жорий мавсумда Хитой суперлигасида голиби бўлди.



Моуриньо Рунидан воз кечмоқчи

«Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо жамоа ҳужумчиси Уэйн Рунига янги жамоа топшиши масалахат бериб, Португалиялик мураббий унга асосий таркибдан жой ва доимий ўйин амалиётини кафолатлашмасини таъкидлаган. Бу ҳақда «The Sun» хабар тарқатади.

Рунининг манқунианликлар билан амалдаги шартномаси 2019 йилгача тузилган эди. Ушбу ҳужумчи мазкур мавсумда Англия Премьер-лигаси доирасида 8 та ўйинда майдонга тушиб, 1 та гол урди ва иккита голга ассистентлик қилди.



Эрике ва Зидан учликка кирмади

Испания чемпионатининг 2015-2016 йилги мавсумида турли номинациялар бўйича голиб бўлган мураббий ва футболчилар номи маълум бўлди. Жумладан, мавсумнинг энг яхши мураббийи сифатида Диего Симеоне («Атлетико») тан олинган бўлса, кучли учликка Эдуардо Беррицо («Сельта») ва Марселино Гарсия Тораль («Вильярреал») киришди. Утган мавсумда «Барселона» билан Испания чемпионлиги ҳамда мамлакат кубогини кўлга киритган Луис Эрике ва «Реал» бош мураббийи Зайниддин Зидан ҳатто даъвогарлар сафига киритилмади. Жумладан, энг яхши дарвозабон соврини Ян Облакка насиб этди. Энг яхши ярим ҳимоячи совринини Лука Модрич кўлга киритган бўлса, Лионель Месси ва Луис Суарес энг яхши ҳужумчи ва энг яхши хоризлик ҳужумчи номинациялари совринига эга чиқилди. Энг яхши ҳимоячи номинацияси «Реал» вакиллари Марсело ва Серхио Рамосга насиб қилди.

«Олтин тўп»га даъвогарлар Эълон қилинди

Маълумки, ҳар йили дунё бўйича аънанавий тарзда «Олтин тўп» тақдимот маросими бўлиб ўтади. Унда бир қатор совринлар ўз эгаларига топширилади. «Олтин тўп», «Дунёнинг энг яхши аёл футболчиси», «Йилининг энг яхши мураббийи», «Йилининг энг яхши аёллар жамоаси мураббийи», ФИФА президенти соврини, «Ҳалол ўйин» соврини, Ференц Пушкаш соврини шулар жумласидандир.

Бу йилги «Олтин тўп»ни кўлга киритиш учун қуйидаги номзодлар эълон қилинди: Серхио Агуэро («Манчестер Сити»), Пьер-Эмерик Обамеянг («Боруссия» Дортмунд), Гарт Бэйл («Реал»), Жанлуижи Буфон («Ювентус»), Криштиану Роналду («Реал»), Кевин де Брюйне («Манчестер Сити»), Пауло Дибала («Ювентус»), Диего Годин («Атлетико»), Антуан Гризманн («Атлетико»), Гонсало Игуаин («Наполи»), Златан Иброхимович («Манчестер Юнайтед»), Андрес Иньеста («Барселона»), Коке («Атлетико»), Тони Кроос («Реал»), Роберт Левандовски («Бавария»), Уго Льюрис («Тоттенхэм»), Ривэ Махрез («Лестер»), Лионель Месси («Барселона»), Лука Модрич («Реал»), Томас Мюллер («Бавария»), Мануэль Нойер («Бавария»), Неймар («Барселона»), Димитри Пайет («Вест Хэм»), Пепе («Реал»), Поль Погба («Манчестер Юнайтед»), Руй Патрисиу («Спортинг»), Серхио Рамос («Реал»), Луис Суарес («Барселона»), Жейми Варди («Лестер»), Артуро Видаль («Бавария»). Эндиликда ушбу номзодлардан фақат бир нафари овоз бериш орқали «олтин тўп»га эга бўлади.

Совринни топшириш маросими 2017 йилнинг январь ойида ўтказилади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Huquq

юрidik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahriir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Gulnoza RAHIMOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi. Mudlif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. — tijorat materiallari. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas. Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma s-7333. 38 257 nusxada bosiladi. Oqog'uz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA Sahifalovchi: S.BABA JANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV Bosma xonaqat to'plash vaqti: 22.00. Toshxiridi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2008-yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-7617 9 72010 761004